*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 119 (3620)
ШАНБА
27 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Собир Раҳимов район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларини ғоявий-сиёсий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш, партиявий ишларнинг услуб ва методларини такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари— «Компрессор» заводи ишчиси Николай Осипович Катенов, 10-шаҳар насалхонаси партия ташкилотининг секретари М. Г. Енилеева ва бошқалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг китоблари ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларнинг бой тажрибасини мужассамлаштирганини, улардан барча коммунистлар, партиянинг барча раҳбар ходимлари фойдаланишлари зарурлигини таъкидладилар.

* * *

Ҳамза район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС XXV съезди талаблари асосида физкультура-оммавий, соғломлаштириш ва спорт ишларини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Ҳамза район партия комитетининг секретари Н. И. Иброҳимова доклад қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## *Беш йилликнинг шаҳдам қадамлари*

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари 1978 йил планини бажариш ва ошириб бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1978 йил январь-май ойлари планини муддатидан аввал— 26 майда бажардилар.

Машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини ишлаб чиқариш, химиявий тола, пахта тозалаш, пайпоқ, чарм пойафзал, ўсимлик мойи, сут-қатиқ маҳсулоти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан беш ойлик план ортиғи билан бажарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

## РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Чилонзор район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари ҳамда меҳнаткашлар ўртасида партиявий ишларнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг китоблари партиянинг ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари бой тажрибасини мужассамлаштиришга н и. ми, улар ленинча яшаш ва ишлашга ўргатаётганини таъкидладилар.

Шунингдек, район партия комитети VII пленумининг қарорларини қандай бажарилаётгани ҳам тингланди. Бу ҳақда район партия комитетининг иккинчи секретари П. Ш. Шермуҳамедов ахборот берди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# ҚИШЛОҚҚА—САМАРАЛИ ЁРДАМ

## *Тошкентликларнинг Мирзачўл ва Жиззах чўли ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси*

Бу йил пахтакорлар учун баҳор жуда қийин келди. Чигитлар далага ўз вақтида қадалди, ҳамма иш юксак агротехник даражада ўтказилди. Ғўзалар ҳам қўшқўлоқ бўлиб униб қолганди. Шу пайт далаларга жала қўйиб, дўл ёғиб, сел келди.

Лекин деҳқонлар табиатга ўзларининг уюшқоқликларини, тажрибаларини, ҳар қандай шароитда ҳам ҳосил учун қатъият билан кураш олиб бора олиш маҳоратини қарши қўйдилар. Бунда уларга шаҳардан қишлоққа ишчи коллективлари юборган қудратли техника, ўғит, ирригаторлар қуриб берган бетон ариқлар қўл келди.

Уроқ ва Болга иттифоқига содиқ бўлган тошкентлик машинасозлар, шаҳардаги барча саноат, қурилиш ташкилотлари, муассасаларнинг коллективлари шу кунларда деҳқонларга ёрдам бериш учун келишди. Оталиқдаги Жиззах ва Сирдарё областлари хўжаликларига ёрдам берган тошкентликларнинг бош асосий вазифа сидир.

Шу кунларда юзлаб кўчма автоустахоналар Мирзачўл ва Жиззах областининг далаларида ишлаб мавжуд техниканн ремонт қилишда пахтакорларга ёрдам беришяпти. Ҳозир ўтлоқларда ҳам ўт белгиси уради. Шаҳардан оталиқдаги хўжаликларга автомашиналари, бензавозлари, сув ташийдиган машиналари билан шаҳарликлар келишди. Улар колхозчиларга ва совхоз ишчиларига пичан ғамлашда, силос тайёрлашда ёрдам беришади.

Областларнинг палликор ерларида бўлган мутахассислар бу йил бўғдой ва арпадан мўл ҳосил етиштирилганлигини таъкидлашмоқда. Эрта-индин ғаллага ҳам ўроқ тушади. Янчилган ғалланн даладан тайёрлов пунктларига ва элеваторларга ташиш лозим. Бунда ҳам шаҳардаги автотранспортчилар ёрдам қўлини чўзишади. Ҳозир шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести хўжаликларида ғалла ташийдиган машиналарни ремонт қилиш ва тайёрлаш тугалланяпти. Бу машиналарнн энг тажрибали, энг яхши мутахассислар бошқарадилар.

Шундай қилиб, Жиззах ва Сирдарё областларидаги оталиқдаги хўжаликларга ёрдам бериш бошланди. Меҳнат коллективларининг қишлоқ билан алоқаси мустаҳкамланмоқда.



МИРЗАЧУЛ. Бу ерга машинасозларнинг моҳир қўллари яратган қудратли техника деҳқонга ёрдамга келди. Машиналар 300 минг гектар майдонни экин энишга тайёрлашда чўлқуварларга ёрдам берди. Бу ўз навбатида деҳқончилин маданиятини, «оқ олтин» ҳосилини ошириш имконнни беради.

А. Горокрик фотоси. УзТАГ фотохроникаси.

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Жиззах областидаги Пахтакор районининг 26-совхози билан Тошкент қоғоз фабрикаси коллективи анча вақтдан бери дўстона алоқа ўрнатиб келишяпти. Ҳамкорлик ҳақидаги биринчи шартнома 1973 йилда имзоланганди. Шундан бери шаҳарликлар қишлоқлик дўстларига мунтазам ёрдам бериб келишади.

Ўтган йили фабрика коллективи оталиқдаги совхозга пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қўлидан келган ҳамма ёрдамини берди. Улар чигит экишда ва ҳосилни йиғиб-териб олишда фаол ёрдам кўрсатишди. Хўжалик далаларида малакали мутахассислар меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда иштирок этишди. Шу мақсадда совхозга эҳтиёт қисмлар ва ускуналар билан жиҳозланган сайёр автоустахона юборилди.

Совхоз эҳтиёжи учун зарур миқдорда турли бланкалар, қоғоз ва картонлар, мактаб лафтарлари, жами 500 сўмлик маҳсулот юборилди.

Бу йил корхона меҳнаткашлари қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтиришга аҳд қилишди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича бир қатор тадбирлар белгиланди. Йилнинг тўрт ойи мобайнида фабрикадан 130 сўмлик қоғоз буюмлар совхозга жўнатилди. Пигим-терим мавсумида қишлоқликларга ремонт бригадаларини ташкил этишда ёрдам берилади, турли қурилиш материаллари юборилади.

◆ ОТАЛИҚ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР — АМАЛДА ◆ ШАҲАРЛИКЛАР ПИЧАН ЎРИМИДА ҚАТНАШИШЯПТИ ◆ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ БОШҚАРИШГА ШАЙЛАНИШЯПТИ ◆ ҒАЛЛАЗОРЛАР ЧОРЛАЙДИ...

## Механизатор бўлишади

**3-таксомотор парки ҳайдовчилари З. Мақсудов, А. Гуломов, В. Розинов Жиззах областкнинг Октябрь районидаги Охунбоев номли 30-совхозга жўнаб кетишди.**

БУГУН

у ерда улар оталиқдаги хўжаликда пичан ўришда қатнашишади. Бу автохўжалик коллективининг қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамидан бир мисолдир.

Яқинда таксомотор паркида механизаторлар тайёрлаш курсларида машғулотлар бошланди. Ўқишга ҳайдовчи-инструктор Р. Орлов раҳбарлик қилянти. У ўз ўртоқларини «зангори кема»ларни бошқаришга ўргатяпти. «Оқ олтин» йиғим-терими бошланғунга қадар автохўжаликнинг 30 ҳайдовчиси янги касбни ўрганишади. Пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши билан улар «зангори кема»лар рулига ўтиришади.

3-таксомотор парки ҳайдовчилари бу йил ўз кучлари билан 1500 тонна пахта теришиб беришади. Ҳозир улар ўз ваъдаларини бажариш учун 30-совхозга жўнашга тайёрланишяпти. Ёнилғи ва сувни ташийдиган цистерналар тахт қилиб қўйилди. Махсус автобусга ускуналар — пайвандлаш аппаратлари, жавон, слесарлик асбоблари қўйилянти. Улар ҳаммаси «зангори кема»лар ремонтида асқотади.

## Чилонзорликлар кўмаги

Чилонзор райони меҳнаткашлари Жиззах областининг Арнасой районидаги хўжаликларини оталиққа олишган. Қурилиш ва транспорт ташкилотларида қишлоқликлар турмушини яхшилаш, моддий-техника базаси мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда қишлоқда техникадан самарали фойдаланиш, уларнинг бекор туриб қолишини камайтириш, шиппонларни безашда ёрдам бериш кўзда тутилган.

Пахта йиғим-терими мавсумида шаҳар меҳнаткашлари д а н иборат механизатор бригадалари ташкил этилади. Улар ҳосилни йиғиб-териб олишда, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда иштирок этишади.

Бу йил чилонзорликлар Арнасой районига 150 минг сўмликдан ортиқ ёрдам кўрсатишади.

## ЮКСАК САМАРАЛИ ОДДИЙ ТЕХНИКА

Эгатлар қанча текис бўлса ўсимлик ичадиган сув оқиб келаётган чоғида шунча кам исроф бўлади. Деҳқонларга маълум бўлган бу қонуният эгатларни текислайдиган янги культиватор иш органларини яратиш чоғида қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг конструкторлари томонидан ҳисобга олинди. Диаметри 250 миллиметрли ичи бўш конуссимон каток окучникка ўрнатилади. Бу каток ердаги катта-катта кесакларни эзиб, қатор ораларини текислаб кетади. Шундай қилинганида тупроқ бутун участканинг узунлигида бир меъёрда намланади.

Қишлоқ устахонасида осонгина тайёрлаш мумкин бўлган бундай оддий мослама юксак самарали эканлигини кўрсатди. Янги механизм синаб кўрилгач институт тажриба далаларида сувнинг 15—25 процентн тежаб қолинди.

(ЎзТАГ).

## *ТОШКЕНТЛИКЛАР—«ТОШКЕНТ»ГА*

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 103-автокорхонаси мана уч йилдирки, Жиззах область Мирзачўл районидаги оталиқдаги «Тошкент» совхози меҳнат коллективи билан оталиқ ёрдами бўйича шартнома тузяпти. Шаҳарликлар йилдан йилга қишлоқ меҳнаткашлари билан дўстона алоқаларни кенгайтири ш я п т и. Уларнинг эҳтиёжини иложи борича тўлиқ роқ қондиришяпти.

Ўтган йили автомобилчилар совхоз учун зарур ускуналар билан жиҳозланган кўчма автоустахона ажратишди. Биринчи класс ҳайдовчи Эргаш Солиҳов совхоз автопарки машиналарини тиклашда қишлоқ авторемонтчилари билан биргаликда зўр бериб ишлади. Шаҳарликлар эҳтиёт қисмлардан ҳам ёрдам беришди. Пигим-терим мавсумида оталиқдаги хўжаликка 2 минг сўмлик эҳтиёт қисм юборилди.

Совхозда автомобилчилар бу йил ҳам катта ишларни амалга оширишади. Ҳозирнинг ўзида далаларда корхона ишлаб чиқариш илғори, биринчи класс шофёри Рустам Абдукаримов бошқараётган кўчма автоустахона ишлаяпти. Қишлоқликлар 1100 сўмликдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар олишди.

Автомобил ч и л а р қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, белгиланган шартномадагига қўшимча совхозга яна 600 сўмлик ёрдам беришади.

## ТЕЗ ВА СОЗ

Заводимиз меҳнатчилари ҳар йили дала меҳнаткашларига самарали оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Айниқса, ўтган йили Тошкент область Оҳангарон районидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли аграр—саноат комплекси ва Жиззах область Пахтакор районидаги 6-пахтачилик совхозига ҳар томонлама самарали ёрдам кўрсатдик.

Бу йил ҳам мазкур совхозларга ва Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхозга кенг планда оталиқ ёрдами кўрсатишни мўлжалаганмиз.

Заводимиз асосан ер ҳайдаш тракторларининг эскирган двигателларини ремонт қилишга ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ҳозирда корхонамизга республикамизнинг турли бурчакларидан келаётган двигателларнинг оқими узилмаяпти. Фақат ўтган тўрт ой мобайнида ана шундай «А—01» моторларидан 2.331 тасини тез ва соз ремонт қилиб бердик. 194 минг сўмлик эскирган деталларни эса қайта тикладик.

Мен етакчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ҳам коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатилаётган ҳар қандай ёрдамда ва моторларни кўнгилдагидек ремонт қилишда бригадамизнинг ҳам ҳиссаси бор.

Т. МИРЗАЕВ,
«Узсельхозтехника»га қарашли тажриба-ремонт-механика заводининг слесарлар бригадаси бошлиғи.

## АЪЛО СИФАТДА

26-цехнинг токари Юрий Николаевич Чиркинин ҳақли равишда «Ташхимсельмаш» заводининг энг яхши мутахассисларидан санашади. У мунтазам смена топшириқларини 125 процентдан адо этиб, ҳамма маҳсулотнинг аъло сифатда бўлишига эришяпти. Инғувчи-слесарлар Алексей Хорунжин, Владимир Фёдоров, Сергей Дементьев ҳам юқори ишлаб чиқариш суръатига эришишда ва маҳсулотни аъло сифатда тайёрлашда барчага намуна бўлишяпти. Мана шундай ишчиларнинг қўли билан яратилган, Давлат Сифат белгисини олган «ОВХ-14» чанглагич— пуркагич машинаси ҳозир Иттифоқимиздаги пахтакор республикалар билан бир қаторда Эрон, Афғонистон, Греция, Сурия каби чет эл мамлакатларига ҳам юборилянти.

Беш йилликнинг зардобор йилида бу ерда 4500 та чанглагич-пуркагич машинаси тайёрланиши лозим.

## ЭНЦИКЛОПЕДИСТ ОЛИМ ЮБИЛЕЙИГА

Ўрта аср Шаркининг энциклопедист олими Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги муносабати билан юбилей тантаналарини ўтказувчи ташкилот комитетининг 26 май куни Тошкентда биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ташкилот комитетининг раиси —Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев олиб борди.

1980 йилда Абу Али ибн Сино юбилейи кенг кўламда нишонланади. Мажлисда шу тантаналарга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ биринчи навбатдаги масалалар кўриб чиқилди. Олим юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш планини тузиш борасида тавсиялар берилди.

## *ШОИРНИНГ ЖОНЛИ СЎЗИ*

26 май куни Ўзбекистон Ёзувчилар союзида республикада анъанавий пушкинхонлик ўтказувчи доимий комиссиянинг мажлиси бўлди. Ана шу поэзия байрамига тайёргарлик тадбирлари муҳокама қилинди. Шеърият байрами бу йил июнь ойининг иккинчи якшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Шаҳар ва районларда поэзия кечаларини ўтказишга қарор қилинди. Бу ҳақда адабиёт арбоблари сўзга чиқадилар.

(ЎзТАГ).

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет чегара кўшинларининг 60 йиллиги муносабати билан чегарачи жангчиларни қизғин табриклайди ва мубораквод қилади.

◆ КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон мудофаа министри Ж. Рамни 26 май куни Кремлда қабул қилди.

Амалий дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек иккала томонни қизиктирувчи халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мос бўлган анъанавий дўстона муносабатларнинг аҳволидан иккала томоннинг ҳам мамнун экенлиги изҳор этилди.

## КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Алишер Навоий номли республика давлат кутубхонасида Африка озодлиги куни ва Африка бирлиги ташкилоти тузилган кунининг 15 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кутубхонанинг кўргазмалар залида очилган китоб выставкасида Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик, шунингдек бу мамлакатларнинг иқтисодий мустақиллик ва эришган йўлида олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар қўйилган. Бу мамлакатлар билан маданий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда Навоий номли кутубхонасида Африка озодлиги куни ва Африка бирлиги ташкилоти тузилган кунининг 15 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кутубхонанинг кўргазмалар залида очилган китоб выставкасида Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик, шунингдек бу мамлакатларнинг иқтисодий мустақиллик ва эришган йўлида олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар қўйилган. Бу мамлакатлар билан маданий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда Навоий номли кутубхонаси ҳам кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Комплектлаш бўлимида халқаро китоб айирбошлаш сектори иш. лаб турибди. Ҳозир бу сектор дунёнинг 37 мамлакатидаги 98 маданий муассасалар, шу жумладан Осиё ва Африкадаги 15 мамлакатнинг 37 ташкилоти билан алоқа ўрнатган.

Выставкада китобхонлар бу мамлакатларнинг тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб адабиётлар билан танишишлари мумкин.

М. ҒАНИХОНОВ,
А. Навоий номли кутубхона бўлим мудири.

## ЭРТАГА—ХИМИКЛАР КУНИ



Химия фани асримизда жуда кўп мўъжизалар яратди. У халқ хўжалигининг деярли ҳамма тармоқларида ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Фанлар академиясининг химия институти олимлари ҳам кўплаб янги ноёб тадқиқотлар олиб бормоқда.

СУРАТДА: институтнинг полимерлар химияси модификацияси лабораториясининг илмий ходимлари— химия фанлари кандидати Дурдона Илёсова ва кичик илмий ходим Татьяна Календаревалар тажриба олиб боришмоқда.

И. Глуберзон ва В. Сироткин фотоси.

• *Фестиваль кундалиги*

## Лотин Америкасининг курашчан экрани




Лотин Америкаси кинематографиясининг овози Ўзбекистон пойтахтидаги халқаро фестивалларда иккинчи марта янграмоқда. Тошкентдаги аввалги — тўртинчи киноанжуманда шу мамлакатларнинг киноарбоблари биринчи марта расмий равишда қатнашган эдилар. Энди кўрик программаларида уларнинг кинофильмлари кўплаб кўрсатилмоқда. Социалистик Куба, шунингдек Боливия ва Колумбия, Коста-Рика ва Мексика, Чили ватанпарвар кучлари миллий ташкилоти кинематографиячилари фестиваль қатнашчилари ва мехмонларини ўзларининг янги ишлари билан таништирмоқдалар.

Энг оммавий санъатнинг тараққийпарвар арбоблари Озодлик ороли киносини ўзлари учун машъал деб ҳисобламоқдалар. Куба кинематографияси социалистик ривожланишнинг салкам 20 йиллик йўлини ерниб келмоқда, у қаҳрамон халқ ғалабаларининг ҳақиқий ифодачиси, социал тараққиёт, бирдамлик ва интернационализм юксак идеалларини қарор топтириш минбари бўлиб қолди. Бу ерда истеъдодли ва ўзига хос экран сохиблари авлоди ўсиб вояга етди. Уларнинг кўплари ҳозирги Тошкент учрашувида қатнашмоқда.

Режиссёр Сержио Хираль ўзининг «Назоратчи» деган янги фильмини расмий кўрикка тақдим этди. Совет томошабинлари унинг аввалги кино кўрикларда намойиш этилган асарларини яхши эслайдилар. Кубалик ёзувчи Сирильо Вильяверденинг романи асосида яратилган фильм сюжети мамлакат тарихидан олинган бўлиб, негрлар ва оқ танлилардан иборат бўлган меҳнат аҳлининг қулдор—заминдорларга қарши биргаликдаги курашини тасвирлайди.

Боливия киноси Тошкент фестивалида биринчи марта қатнашяпти. Фестиваль экранида «Чў Ки Аго» бадиий фильми кўрсатилди.

Тошкент кинофестивалларида Мексика картиналари зўр шуҳрат қозонган. Бу сафар ҳам шу мамлакатнинг экран усталари келтирган асарлар кўрик программаларига кенг миқёсда киритилган. Уларнинг лентаслари орасида «Бола ва акула», «Ўзини ҳимоя қилиб» деган янги фильмлар бор. Бу фильмларда капиталистик жамият шароитида ўзининг ашаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган одамларнинг тақдири кўрсатилган.

Фестивалнинг кўрик заллари доимо лик тўла. Уч қитъа кинематографиячилари экранда ўзларининг Тошкент анжуманлари ўртасида ўтган икки йил мобайнида қилган ишлари тўғрисида ҳисобот бермоқдалар. Лотин Америкаси кинематографиячилари билан бирга Покистон, Япония, Тунис, Нигерия бадиий ва ҳужжатли кино усталари ҳам ўз ишларини кўрсатмоқдалар. Қозоғистон ССР кинематографиячилари Совет Қозоғистонининг меҳнатчилари ҳаёти ва ишларини, улар КПСС XXV съезди қарорларини қандай амалга оширётганликларини тасвирловчи ҳужжатли фильмларни кўрсатдилар.

А. БАРАНОВ,
О. ОСИПОВ,
Ўзбекистон Информация агентлигининг мухбирлари.

● САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН

# Ташаббус изидан

Ташаббуснинг қаноти бор дейишади. Ҳақ гап. Беш йилликнинг бошида янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси ҳам теада ҳар бир меҳнат коллективига бориб етди. Бу ташаббус қолоқларни илғорликка, пешқадамларни эса янада юксакликка чорлади. Бунинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини бизнинг бригадамиз коллективи жуда яхши билади. Чунки, бир пайтлар қолоқ бўлган бригадамиз эндиликда кўн-галантерея фабрикасининг тери цехидаги асосий кучга, пешқадам бригадага айланди. Юбилей йилининг сўнгги квартали ва йилнинг биринчи квартали социалистик мусобақасида пешқадамлик қилди.

Дастлабки пайтларда бир ойда 70 минг дециметрга яқин тери тайёрлаган бўлсак, бутунги кунга келиб 300 минг дециметр тери тайёрлаб бермоқдамиз.

Хўш, бундай ютуқларга эришишнинг боиси, сири нимада? Бу саволга жавоб бериш учун гапни аввало фабрика тарихидан бошлашга тўғри келади. Ҳозирги кўн-галантерея фабрикаси 1969 йилда «Райпромкомбинат» қошидаги тери цехи асосида ташкил этилган эди. Дастлаб бараварга кўпайтирдик. Шундан сўнг бирин-кетин қўл меҳнати талаб бўлган иш жараёнларининг ўрнини техника эгаллай бошладн.

Бригадамиз янги техника ва технологияга суянган ҳолда унумли шароит билан таништириб чиқаман. Сўнгра, маъқул бўлсагина ишга қабул қиламиз. Чунки, кўпгина ёшлар бу ернинг муҳитини кўрибоқ чўчийдилар. Чўчиган ишчи эса кейинчалик унумли ишлолмайди, кўникмайди. Ҳар қандай иш осон бўлмаганидек, кўнчиликнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор. Лекин ёшлар матонат билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг гайрат-шижоати туфайли цех январь-апрель ойлари топшириғини муддатидан икки кун илгари адо этиб, плондан ташқари 30 минг дециметрдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди.

...Бригадамиз коллективи янгийўлликларнинг ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватлади. Негаки, бригадамиз илғор бўлгани билан ҳали коллективимизда оқсаётган, малакасиз ишчилар ҳам бор эди. Коллективнинг вазифаси ана шу шиор остида меҳнат қилиб, қолоқ ишчиларни илғорлар сафига қўшишдан, уларни ўхшаш касбларга ўргатишдан иборат эди.

Аҳил коллективимиз буни муваффақиятли амалга оширади. К. Меҳмонов, Б. Нишонбоев каби ишчилар ўхшаш касбларни мукаммал эгаллаб олдилар. Бугунги кунда коллективда меҳнат қилаётган ишчиларнинг саксон проценти зарбдор комсомол ёшлардир.

Цехда махсус назорат посги тузилган. Бу пост аъзолари маҳсулот сифатини кўздан кечирнб борадилар. Унга лаборант-химик Нина Гарифуллина бошчилик қилади. Шунисн диққатга сазоворки, ҳозирда бригада ишчиларида ўз-ўзини назорат қилиш принципи шаклланган. Бу юксак самара беряпти. Масалан, фабрика 1978 йилнинг биринчи кварталида ўз буюмларига бирорта ҳам рекламация олмади. Албатта бундан тери цехининг—бизнинг бригадамиз коллективининг ҳиссаси каттадир.

Бригадамиз маҳсулот таннархини ҳам арзонлаштиришга муваффақ бўлди.

Пешқадам коллективимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар беш йилликнинг учинчи — забдор меҳнат йили топшириғини бажаришга аҳд қилди. Ҳозир коллектив мана шу ваъдасини бажариш учун, кўлни қўлга бериб, зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилишяпти.

**Х. ҚУРБОНОВ,**
**кўн-галантерея фабрикасининг бригада бошлиғи.**

**ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ**
**МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН**

«Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» тресги билан 8-қурилиш тресги, «Ташинжстрой» тресги билан «Таштрансспецстрой» тресги ўртасидаги социалистик мусобақа

# СИФАТГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР

11-«Висотстрой» тресги билан 8-қурилиш тресги коллективи тўрт ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини муваффақиятли адо этишди. 11-трест бош пудрат ишлари планига қўшимча 300 минг сўмлик, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғига қўшимча 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этди. Мусобақадош трестларда злобничлик ҳаракатига катта эътибор бериляпти. Ўнлар, янгийўлликлар ва свердловскликлар бинокорларнинг ташаббусларига катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлиняпти.

8-қурилиш тресги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бош пудрат ишлари ҳажмини 6,3 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш ҳажмини эса 8,1 процентга ўстирнб, мусобақадошларига нисбатан юқори кўрсаткични қўлга киритди. «Висотстрой» тресги ёрдамчи-пудратчи арнинг айби билан ва материаллар ўз вақтида келтирилмаганлиги туфайли бош пудрат ишлари хажмини 20 процентга камайтирнб юборди. 8-трестнинг барча бошқармалари унумли меҳнат қилишмоқда. 11-трестнинг эса 17-қурилиш бошқармаси ўз топшириғини уддаламади.

Умуман айтганда иккала мусобақадош трест ҳам тўрт ойликни яхши якунлади. Шунга қарамасдан уларда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. 11-трест маҳаллий Советлар объектлари қурнш топшириғини 129,3 процентга адо этган бўлса, уй-жойлар қуриш планини 38,4 процентга, мактабгача болалар муассасаларини бунёд этиш топшириғини 15,7 процентга адо этди. Трест бошқарувчиси В. Колибердининг изоҳлашича Богдан Хмельницкий кўчасида қад кўтараётган 132 квартирали турар жой биносига темир-бетон конструкциялар ўз вақтида келтирилмади. Бошқа турар жойлар қурилиши лойиҳа — смета ҳужжатлари билан таъминланмади.

8-трест ҳам айрим объектларни қуришга панжа орасидан қаради. Масалан, Биринчи Май кўчасида туғруқхона объектида 4 ой ичида бир йилга белгиланган 402 минг сўмлик маблағнинг 28 минг сўми ўзлаштирилди. Ижодий ходимлар поликлиникаси, ётоқхона, «Узбекгидросельмаш» заводининг уй-жойлари қурилишида эски бинолар бузиб ташланмаганлиги учун иш фронти бўлмай, иссиқлик трассасини ўтказиш ишлари бажарилмади. Биринчи Май кўчасида поликлиника, Шевченко кўчасида 64 хонадонга мўлжалланган турар жой қурилишларига лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги сабабли иш бажарилмади. Қурилиш механизацияси тресги Тимирязев кўчасидаги турар жой ва 6-туғруқхона қурилишларида ер қазиш ишларини бажармаяпти. Июнь ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган 2-Қорасув массивидаги мактаб, болалар богчаси қурилишини темир-бетон конструкциялари ва буюмлари билан таъминлаш графиклари бузилди.

* * *

Иккинчи мусобақадош трестлар ўртасидаги меҳнат рақобатида «Ташинжстрой» тресги пешқадамлик қиляпти. Трест тўрт ойлик қурилиш-монтаж ишлари планига қўшимча 300 минг сўмлик бинокорлик ишларини амалга оширди. Трест ой сайин бир меъёрда меҳнат қиляпти.

Лекин «Ташинжстрой» тресги маҳаллий Советлар объектларини қуриш топшириғини 33,2 процентга бажарди. Тўрт ойлик меҳнат унумдорлигини ошириш топшириги адо этилмади. Шаҳар йўллари ва инженерлик тармоқлари магистраллари, шунингдек, уй-жойлар қурилишида иш ҳажми ошганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ўстириш топшириқлари уддаланмади. Бундан ташқари 8-қурилиш бошқармаси квартал топшириғини бажармаганлиги учун трестнинг умумий кўрсаткичлари паст бўлди. Тўрт ойлик бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш топшириги бажарилмади. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръати жуда паст. Агар трест кейинги ойларда апрелдаги сингари яхши меҳнат қилса, тез орада мусобақадоши «Ташинжстрой» трестига етиб олиши мумкин. Бунинг учун эса объектларни материаллар билан таъминлаш бир меъёрда ташкил этилиши, қурилишдаги илғор иш усуллари ва методлари ишлаб чиқаришга жорий этилиши керак.

| 1978 йил январь—апрель ойлари асосий кўрсаткичлари | Қурилиш трестлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 11-«Висотстрой» | 8 | «Ташинжстрой» | «Таштрансспецстрой» |
| Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши процентларда | | | | |
| а) бош пудрат бўйича | 106,2 | 101,4 | 104,4 | 99,0 |
| б) ўз кучлари билан | 111,3 | 109,4 | 103,1 | 95,3 |
| Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда) | | | | |
| а) бош пудрат бўйича | 80 | 106,3 | 103,5 | 99,5 |
| б) ўз кучлари билан | 113,4 | 108,1 | 104,3 | 97,8 |
| Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари | 103,9 | 100,2 | 99,6 | 95,8 |
| Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши | 109,4 | 101,5 | 104,3 | 104,6 |
| Планни бажармаган бошқармалар | | | | |
| а) бош пудрат бўйича | 1 | — | 1 | 3 |
| б) ўз кучлари билан | 1 | — | 1 | 3 |
| Уй-жойлар қурилиши планининг бажарилиши | 38,4 | 76,4 | — | — |
| Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши | — | 67,8 | — | — |
| Мактабгача болалар муассасалари қуриш планининг бажарилиши (процентларда) | 15,7 | 79,7 | 33,2 | — |
| Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши | 129,3 | 70,1 | — | — |
| Ийл бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони | — | 1 | — | — |
| Ўртача баҳоси (балларда) | — | — | — | — |
| Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони | 7 | 12 | 8 | 8 |

# Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун

INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA TASHKENT May 23 to June 1, 1978

*Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

## Совет санъатидан мамнунмиз

**Бекеде АШАГРЕ,**
**Эфиопия, кинопрокатчи**

Серқуёш Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкентда олган дастлабки таассуротларим мени ғоятда ҳаяжонлантиради. Бу ерда фестиваль қатнашчилари учун яратиб берилган қулай шароитлар, меҳмондўстлик, турли мамлакатлардан келган ҳамкасблар билан бемалол учрашиш имконияти албатта ҳар бир кишини хурсанд қилади. Ана шу фестивалда қатнашиш менинг учун жуда катта шарафдир.

Айниқса, Леонид Ильич Брежневнинг фестиваль қатнашчиларига йўллаган самимий сўзларини кўтаринки руҳ билан кутиб олдик.

Фестиваль кунларида бир қатор фильмларни қизиқиб кўрмоқдамиз. Уларни албатта сотиб оламиз. Бизга манзур бўлган картиналарни ўйлайманки мамлакатим томошабинлари қизиқиб кўришади. Улар ўзининг мазмуни билан халқимизнинг умимий ишига яқиндан ёрдам беради.

## Тошкентга раҳмат

**Марио РИБЕРА,**
**Колумбия, режиссёр**

Мен ўзимнинг кино санъатидаги маълумотимни совет кино санъатининг жаҳонга устаси Сергей Герасимовдан олганман. Бу кишининг менга ўргатган маҳорати, бой тажрибаси мамлакатим томошабинларига маъқул бўладиган картиналарни яратишда яқиндан кўл келмоқда.

Тошкент шаҳрига биринчи марта марҳамат қилишим. Уч қитъа мамлакатлари киночиларининг бундай катта давра олганлигидан беҳад мамнунман. Учрашувлар, тажриба алмашувлар қизғин бўляпти. Ҳаммаси фойдадан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳрининг аҳолисига, тинчлик ва дўстлик фестивалига бўлган ҳурмат сифатида ўзимнинг ташаккуримни изҳор қиламан. Бу фестиваль учун «Дамасо» деган ўзимнинг катта бўлмаган картинамни олиб келдим. У машҳур Колумбия ёзувчиси Маркесснинг асари асосида ишланган.



СУРАТДА: монголиялик кинорежиссёр Бунтар Қирғизистон давлат кино комитети раисининг ўринбосари, делегация раҳбари Шаршен Усубалиев ва бурят ёзувчиси Норпал Очир билан суҳбатлашмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

*Қардош республикалар экрани*

## ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР

**М. П. КУТАТЕЛАДЗЕ,**
**Грузия кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари**

Режиссёр Нанан Мчелидзе ана шу кинофестивалга ўзининг янги картинаси «Чинакам тбилисилик ва бошқалар» деган картинасини олиб келди. Бу қисқа метражли бадиий фильм ҳозирги Тбилиси ҳақида, унинг архитектураси ҳақида, у ерда яшаётган кишиларнинг урф-одатлари, энг асосийси эса кўп миллатли Грузия пойтахтининг дўстлиги ҳақида ҳикоя қилади. Иккинчи қисқа метражли фильм эса «Заправкачи»дир.

Ҳозирги пайтда бизнинг республикамизда иккита студия ишлаб турибди. Улар «Грузияфильм» бадиий фильмлар студияси ва илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясидир. Буларда ҳар йили саккизта тўла метражли бадиий фильм, олтита қисқа метражли телевизион фильм тайёрланмоқда. 60 дан ортиқ картина дубляж қилинмоқда. Шу нарсани қувонч билан айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда грузин кино санъаткорлари ва уларнинг ленталари кўпгина обрўли кўрикларда муносиб мукофотлар билан тақдирланмоқда. Эронда бўлиб ўтган кинофестивалда «Дастлабки қалдиргоч» картинаси муносиб мукофот билан тақдирланди. Бундан ташқари режиссёр Шангелаянинг «Саманашвилининг ўғай онаси» картинаси Ереванда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кўригида ҳам муносиб ўрин олди. «Икки хоҳиш» деган картина эса Ригадаги фестивалда совриндор бўлди.

«Мосфильм» ва «Братислав-фильм» студиялари билан ҳамкорликда «Рача менинг муҳаббатим» картинаси суратга олинди.

Тошкент халқаро кинофестивалининг жуда катта аҳамияти бор. У кўпгина мамлакатларнинг киносанъатн муваффақиятлари билан яқиндан танишиш имкониятини бермоқда.

## ЮКСАК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Акмян цемент-шифер комбинатида планга қўшимча равишда беш минг тонна цемент ишлаб чиқарилди.

Бундай муваффақиятга айланадиган печларнинг ҳар бир кубометр ҳажмидан клинкер олишни кўпайтириш учун ўтказилаётган мусобақа кўп жиҳатдан ёрдам берди. СССР Давлат мукофотининг лауреати, машинист С. Венцкус сменаси ана шу ишнинг ташаббускори бўлди. Новатор хом ашёни пиширишда температураии тартибга солиб турадиган асбобларни такомиллаштирди. Бу эса печнинг лойиҳадаги қувватини ошириш имконини берди. Смена «Карьер — тайёрлаш участкаси — пиширнш цехи» деб аталган узлуксиз поток методини жорий этди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтирди. Бу сменада илғор тажриба мактаби ташкил қилинган бўлиб, барча технология линияларининг машинистлари шу мактабда таълим олишди.

Корхона йил бошидан буён 1 миллион тонна — бутун 1970 йилдагига нисбатан анча кўп цемент ишлаб чиқарди.

(ТАСС).

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

## ЭНГ МУҲИМ ҚУРИЛИШ

ВАРШАВА. ПХР ҳукумати Рибница кўмир ҳавзасида янги «Качице» шахтасини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Шахта қурилиши халқ хўжалиги учун муҳим қурилишлар рўйхатидан жой олди. Янги шахтани барпо этиш мамлакат ёқилғи — энергетика базасини интенсив ривожлантириш комплекс программасига киритилган.

Ўтган йили шахтёрлар ер остидан 196 миллион тонна кўмир қазиб чиқардилар. Қарийб 40 миллион тонна кўмир чет элларга, шу жумладан Совет Иттифоқига жўнатилди.

Халқ хўжалигини ривожлантириш планини шу беш йилликнинг сўнгги йилида камида 210 миллион тонна кўмир қазиб олишни талаб қилади.

## Чехословакия курорти

ПРАГА. Социалистик Чехословакия жамоатчилиги курорт ва санаторийлар национализация қилинганлигининг 30 йиллигини нишонламоқда.

Ҳозирги вақтда ЧССР территориясида 58 та курорт ишлаб турибди. Жаҳонга машҳур Карлови-Вари, Франтишков — Ланзе, Подебрадь курортлари шулар жумласидандир.

Халқ соғлиғини сақлаш системасини, шунингдек, шифохоналарни янада ривожлантириш ЧКП социал снёсатининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб қолди. 1980 йилгача мўлжалланган беш йиллик план директиваларига мувофиқ мамлакатда еттита санаторий қурилади. Шулардан бештаси ишга туширилди.

(ТАСС).

● ФИЛИППИН. 4 май куни Майон яқинида содир бўлган вулқон натижасида минглаб кишилар аҳоли яшаш пунктларидан бошқа жойга эвакуация қилинди. Енгин ҳар бирида 40 мингга яқин аҳоли яшовчи Кабалин ва Гинобатан шаҳарлари яқинигача қулоч ёйди. Бу районда тез-тез ер ости силкинишларининг содир бўлаётганлиги бу ерда яна янги катта қувватдаги вулқон чиқишидан далолат бермоқда.

СУРАТДА: вулқон содир бўлган районда яшовчи аҳолини эвакуация қилиш учун тайёрланган машиналар.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.



## ФОЙДАЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ

ДЕҲЛИ. «Муссон—77» деб аталган Совет — Ҳиндистон қўшма эксперименти давомида олинган илмий маълумотлар мусонларнинг «феъл-атворини», уларнинг интенсивлиги ва давомийлигини олдиндан анча аниқ билиб олишда ҳинд метеорологларига катта ёрдам беради, деб таъкидланади Ҳиндистон ҳукуматининг ахборот ва матбуот бюроси ахборот бюллетенида.

Маълумки, Ҳиндистон океани томонидан Жанубий Осиёга тарқалиб турадиган мусонлар шу регионнинг об-ҳаво шароитларини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳиндистонда ва унга қўшни бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига бевосита таъсир қилади.

Ҳинд ва совет олимлари ўтказган илмий тадқиқотлар циклонларнинг шаклланишига доир бир қанча муҳим хусусиятларни жумладан ҳаво оқимларини қитъага тарқалиши арафасида уларнинг Арабистон денгизи тепасида атмосферанинг ўрта қатламларидаги циркуляциясини аниқлаш имконини берди.

Экспериментда қатнашган тўртта совет ва иккита ҳинд кемасидан туриб Ҳинд океани тепасида атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳаво оқимлари тадқиқ этилди.

## *Меҳнаткашлар ҳисобига*

ПАРИЖ. Францияда майда корхоналарнинг хонавайрон бўлиши оммавий тус олди. Расмий маълумотларга кўра, шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида 5.625 та майда ва ўрта даражадаги корхона қудратли монополияларнинг рақобатига бардош бера олмади.

Майда ва ўрта даражадаги корхоналар мамлакат ишчи кучининг 50 процентини иш билан таъминлаётганлигини назарда тутсак, йирик капиталнинг айби билан шу корхоналарнинг хонавайрон бўлиши ялпи ишсизликнинг кўпайишига, меҳнаткашларни янги қийинчиликларга олиб келади. Умумий меҳнат конфедерациясининг маълумотларига қараганда сўнгги йилнинг ўзидагина ишсизлар армияси 4.5 процент кўпайган ва ҳозирги вақтда 1 миллион 450 минг кишидан ошиб кетган.

Ҳафталик «Юзинувель» газетасининг ёзишича, АҚШ ва «Умумий бозор» корчалонлари хонавайрон бўлган майда ва ўрта даражадаги корхоналарни бажонидил сотиб олмоқдалар. Ҳозирги вақтда механика — йигув корхоналарининг 14 процентн, нефть химияси, аниқ механика, электротехника соҳасидаги ва хизмат кўрсатиш майда ва ўрта даражадаги корхоналарининг 11 процентн ажнабий саноатчилар томонидан назорат қилинмоқда.

# Эзгулик йўлида

1976 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг IV халқаро кинофестивалида қирғиз киносанъаткорлари бир қанча етук бадиий ва ҳужжатли фильмлари билан иштирок этишди. Уларнинг республика кино мухлислари ва фестиваль меҳмонлари эътиборига ҳавола этган фильмлари орасида таниқли ёзувчи, Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссаси асосида яратилган фильм катта воқеа бўлди. Бутуниттифоқ ва халқаро кинокўрикларда намойиш этилиб, совринларга, кейинчалик СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган ушбу картинани истеъдодли кинорежиссёр Бўлат Шамшиев экранлаштирган. Қирғиз режиссёри ушбу фильмда Қирғизистон кинематографиясининг битирувчиси Бўлат Шамшиевнинг диплом иши бўлган бу картина кинофестивалнинг бош совринига сазовор бўлди.

Ёшлик чоғиданоқ Бўлат экран санъатининг мафтуни эди. Болалик чоғида бувисидан эшитган халқ эртакларини кинода жонлантириш унинг эзгу орзуси бўлиб, ана шу орзу кейинчалик уни Москвага — Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига бошлаб келди.

Ўқишни муваффақиятли тугатган, диплом иши эса халқаро кино кўрик совринига сазовор бўлган ёш режиссёрнинг ўз халқи тарихи ва маданиятини яхши билиши бу фильмда ёрқин намоён бўлган.

Кинорежиссёр Бўлат Шамшиевнинг юксак профессионал маҳорати, истеъдоди, унинг ўзига ва актёрларга талабчанлиги, қунт билан изланиши «Оқ кема» фильмида ёрқин намоён бўлади. Ушбу картина IV халқаро Тошкент кинофестивали мукофотига сазовор бўлди.

— Инсонни эзгуликка чорлаш, ёмонликка муросасиз бўлиш, унга зарба бериш мени доим тўлқинлантириб келган проблемадир,— дейди биз билан суҳбатда СССР Давлат мукофоти лауреати Бўлат Шамшиев.— «Оқ кема»га мурожаат этишимнинг сабаби ҳам шунда. Ҳозир ҳам эзгуликни улуғловчи асарлар устида ишлаяпман.

**А. РЎЗИЕВ.**

# *Реконструкция қилинди*

Олтиариқ районидаги «Комсомол» колхозида сут-товар фермаси тубдан реконструкция қилинганидан сўнг бутунлай ўзгариб кетди. «Узсельхозтехника» мутахассислари уни замонавий қишлоқ хўжалик корхонаси — «сут фабрикаси»га айлантирдилар. Янги сут соғиш машина — узкуналарини, автопоилка, гўнг чиқарадиган транспортёрларни монтаж қилдилар. ем-хашак тайёрлаш ва уларни чорвага беришни механизациялаштирдилар. Шу туфайли чорва маҳсулдорлиги сезиларли даражада кўпайди.

Пил бошидан бери Фарғона областида «Узсельхозтехника» ёрдами билан 11 та чорвачилик фермаси реконструкция қилинди ва янгиланди. Бу фермалар 2300 бош қорамол боқишга мўлжалланган. Пил охиригача хўжаликларда 9,5 минг бош чорвага мўлжалланган чорвачилик фермалари механизациялаштирилади.

(ЎзТАГ).

◆ МЕЪМОРЧИЛИК УСТАХОНАСИДА

# СЕМАШКО ИНСТИТУТИ КЕНГАЙМОҚДА


Бутуниттифоқ соғлиқни сақлаш объектлари илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали ижодкорлари беш йилликнинг учинчи йилида самарали ижодий изланишлар олиб боришмоқда. Яқинда лойиҳалар бош архитектори Г. Подколзин раҳбарлигидаги архитекторлар Семашко номли илмий-тадқиқот институтини янада кенгайтириш лойиҳаларини устидаги ишларини тугаллашди.

Ўзбекистоннинг энг яхши шифо масканларидан бўлган бу институтда ҳар йили минглаб меҳнаткашлар саломатлигини тиклайдилар. Меъморлар сузиш бассейни бўлган балчик билан даволаш бўлимлари, иккита палаталар блоки, қабул қилиш бўлими ва дорихонадан иборат янги корпус лойиҳаларини яратишди. Уч қаватли бу бинода поликлиника, махсус физкультура машқлари билан даволанаётганлар учун хоналар ҳам бўлади.

Архитекторлар тузган лойиҳа туфайли институтда даволанаётганлар сонини яна 420 нафарга кўпайтириш имкони туғилади.

Меъморлар қурилишда ранго-ранг мозаик паннолар, кичик архитектура шакллари, сополлар, оригинал офтобдан ҳимоя воситаларидан унумли фойдаланишни таклиф этишмоқда. Бу эса бинони чиройли, кўркам бўлишини таъминлайди.

Лойиҳани сифатли қилиб яратишда архитекторлар Н. Широкова, Л. Иконникова, Т. Семеничева кабиларнинг хизматлари катта бўлди.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Резолюция хиёбони. Р. Шамсутдинов фотоси. ЎзТАГ.

## ТО Справкалар бюроси

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Р. МУСТАФОЕВ: Ўзбек халқ созандалари ҳам чолғу асбобларидан бири — гармондан фойдаланишади. Иложи бўлса, ана шу чолғу асбобининг тарихи ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Гармон дам воситасида товуш берадиган маъдан тилчали создир. Европада биринчи марта 1780 йилда Петербургда қўлланган. Тула, Саратов диатоник ва хроматик гармонлари кўпроқ тарқалган. Туркистон халқлари орасида Хоразм ва Татаристон диатоник гармонлари машҳур. XIX асрнинг биринчи чорагида Германия ва Австрияда хроматик гармонлар ишлана бошлаган. Рихтернинг диатоник гармонлари ҳаво беришда бир хил товуш чиқарса, ҳаво тортишда бошқача товуш ҳосил қилади. XIX асрнинг 30 йилларидан Россия (Тула)да гармонлар ишлаб чиқариш бошланди. Гармонларнинг икки қаторли вена, саратов, бир қаторли хоразм ва бошқа диатоник турлари. баян, акордион, концертино каби хроматик хиллари бор. 1821 йилдан Германияда лаб гармонлари пайдо бўлган. Ўзбек халқ созандалари XIX—XX асрларда гармондан кенг фойдаланганлар. Буни Хоразмда соз деб атаганлар. Фарғонада Ориф Гармон (Тошматов) шу соз билан машҳур бўлган. Кейинчалик майин товушли концертиноларни билан Али Гармон номи чиқди.

• • •

**М. ҒУЛОМОВ: Мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда қўл тўпи мусобақалари кенг йўлга қўйилган. Ана шу спорт ўйини қачон пайдо бўлган? Шу ҳақда билгингиз истардик.**

**Жавоб:** Гандбол — қўл тўпи — спорт ўйинидир. XIX аср охирида Европада пайдо бўлган. Даниялик Хальгер Нильсон 1898 йили уни ихтиро этган. Гандбол бўйича халқаро федерация тузилган. Гангдбол учун катталиги 40х20 метрли майдон ва оғирлиги 325—475 грамм, айланаси 54—58 сантиметр бўлган чарм тўп керак. Майдоннинг икки томонида эни 3 метр, баландлиги икки метр бўлган дарвозалар ўрнатилади. Ҳар бир командада етти ўйинчи қатнашади. Ўйинчи тўп билан фақат уч қадам қўйиши ва уни қўлида уч секундгача тутиб туриши мумкин. Ўйин икки тайм (бир соат) давом этади. Гандбол бўйича СССР биринчилиги мусобақалари 1962 йилдан бошлаб ўтказилмоқда. Ўзбекистонда гандбол 1923—24 йиллардан бери мавжуд бўлиб, биринчи мусобақа 1926 йилда Тошкентда ўтказилган. Ҳозир ҳар йили республика биринчилиги учун мусобақалар ўтказилади.

## КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Йўл ҳаракати қоидасини шундай деб ёзилган. «Ҳайдовчи тезликни йўл шароити, шу жумладан, йўлнинг кенглиги ва ҳолатига қараб танлаши зарур. «82—10 ТНМ» рақамли «ГАЗ-52» автомобилининг ҳайдовчиси Ғайрат Ғозиев қоиданинг бу талабини унутиб қўйган. У машинани Полторацкий кўчасида ҳайдаб бораётганида кўчанинг Пролетарский кўчаси билан кесишадиган қисмида рулни бошқаролмай қолди. Натижада машина ариққа тушиб кетди. Бу тасодиф оқибатида машинада кетаётган пассажир Т. Раҳимов мия қалқиш жароҳатига дучор бўлди.

Жабрланувчи касалхонага ётказилди. Йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчи Ғ. Ғозиев эса Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссиясига жўнатилди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ЗБЕТ. ОҚШОМИ

27 МАЙ, 1976 й.

# Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

◆ Икки нарса ақлсизликка далолат қилади: сўзлаш керак бўлган маҳалда сукут қилиш, керак бўлмаганда сўзлашдир.

◆ Инсон қалби —қулфли сандиқ, тили эса унинг оқчичидир. Инсонга лозим бўлган нарса бу оқчични маҳкам сақлашдир.

◆ Қулай фурсатдан фойдаланиб, уни ғанимат деб билган инсоннинг умри роҳат-фароғатда кечишига ишонаверинг.

◆ Номус инсоннинг энг зўр бойлиги, у бир хазина олтиндан ҳам қиммат туради.

◆ Саховат улуғликни келтиради.

**Байт:**

**Сахийликни оқил айлагай ихтиёр,**
**Саховатдан ул бўлғуси ← бахтиёр.**

◆ Донишмандлар тубанда айтилган ўн тўртта ахлоқий фазилатни инсон учун энг керакли фазилатлар деб топганлар:

**1 — Риёзат** — нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан.

**2 — Сукут** — ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди-қочди сўзларни сўзлашдан чекил, жим бўл.

**3 — Интизом** — ишларинг тартибли, интизомли бўлсин, ишингни ўз вақтида бажар, кечиктирма.

**4 — Мақсад** — бир ишга киришмоқчи бўлсанг энг аввал яхшилаб ўйла. шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушун, бир қарорга кел. Кейин қарорлаштирган ишингни ҳеч бир камчиликсиз адо қил.

**5— Тежам** — иқтисод, яъни тежашга риоя қил. ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан.

**6— Саъе ва шуғулланиш** — вақт ва фурсатингни бекордан бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл. керак бўлмаган нарсадан чекил.

**7 — Матонат** — ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийла, найранг ишлатишдан ҳазар қил. тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунганинг каби сўзла ва ишла.

**8 — Ҳаққоният, тўғрилик** — адолат ва ҳаққониятни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар, қасд этма.

**9 — Мўътадиллик** — ҳар вақт мўътадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчаликдан сақлач. Ҳақсиз. лекин ўзингга лойиқ кўриб бировдан интиқом олишга журъат қилма.

**10 — Назофат** — кир, ифлосликдан ҳазар қил. вужудинг, либосинг ва уй-жойингнинг тоза, покилигига диққат қил.

**11 — Қалб ҳузур-роҳати** — майда-чуйда ва истаганингча бўлмай қолган ишлардан хафаланиб саломатлигингни бузма. қалбингнинг ҳузур-рохатини кўзла.

**12 — Иффат** — адабли, шармҳаёли, номусли бўл. Бу гўзал хислатлардан ажралма.

**13 — Тавозеъ** —ўзингни камтар тут. тавозеъ шараф ва иззат босқичи эканини унутма.

**14 — Мулойимлик** — сабрли, мулойим, очиқ юз. ширин сўзли бўл. Ҳеч кимга қўпол муомала қилма.

**Хулоса:** юқорида зикр этилган ўн тўртта ахлоқий фазилат билан ўзингни ораста қилсанг. халқнинг муҳаббатини ўзингга жалб этасан, ҳамма сенга ҳурмат назари билан қарайди.

## ИМТИҲОН

Хиёнат, ўғрилик кўчасидан ўтмаган, пок, соф қалбли одам халқнинг ишончини қозонади, иззат-ҳурматга сазовор бўлади.

**Ҳикоят:** — Қадим замонда Саррондин оролида ўзининг мулойимлиги билан машҳур бўлган бир подшоҳ ҳукм сурарди. Баъзи нобакор кишилар унинг мулойимлиги, лутфкорлигини суиистеъмол қилардилар. Подшоҳ кимни хазиначи этиб тайин қилса, бир неча бақтдан кейин унинг хиёнати юзага чиқарди. Шунинг учун подшоҳ хазинадорликка номусли, пок виждонли бир одам тополмай қайғуланиб юрарди.

Кунлардан бир кун эронлик сайёҳ бир донишманд Саррондинга келиб қолди, бир неча вақт подшоҳнинг азиз меҳмони бўлиб турди. Бир кун подшоҳ донишманд билан суҳбатлашиб ўтирган вақтида юрагидаги дардини изҳор қилиб айтди:

— Эй азиз меҳмоним, сиз жуда кўп жойларни кезганингиз соясида одамларнинг табиатлари, хулқ-атворлари билан жуда яхши танишгансиз деб ўйлайман. Иффатли, номусли, матонатли бир одамни топиб олиш учун соғлом усулни биласиз, деб ишонаман.

Донишманд жуда жиддий вазият олиб:

— Шундай одамни топишдан ҳам қулай бир нарса йўқ. Бир кунни тайин қилиб, хазиначи бўлишни орзу қилганларни саройингизга даъват қилинг, уларни биттадан чақириб чолғу ҳавоси, оҳанги остида рақс эттиринг, ким чаққонлик билан рақс этса ана ўшани хазиначи этиб тайин қилинг,— деди.

— Сиз кулгили бир латифа сўзлаяпсиз. деб гумон этаман, чаққонлик билан рақс этган одам энг номусли. энг моҳир хазиначи бўла олади, деб даъво қилиш тўғри бўлмаса керак,—деди подшоҳ ҳайрон бўлиб.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ишонинг, хазиначи тайин қилиш учун бундан ҳам яхшироқ бир имтиҳон усули йўқдир.

Тайин этилган кунда хазиначи бўлишни истаганларнинг ҳаммаси имтиҳон хонасига тўпландилар. Улар олтмиш тўрт киши эдилар. Подшоҳ ҳузурига кириш тартиби шундай эди: кутиш хонасида ўтирганларни навбат билан чақирар эдилар. Чақирилган киши иккинчи бир—олтину-ёқутлар турган хонада ёлғиз ўзи бироз кутиб ўтиргандан кейин подшоҳ ҳузурига чақириб олардилар. Подшоҳ унга чолғу ҳавосига кўра рақс этишни буюрарди. Рақс этганидан кейин уни яна бошқа бир хонага чақириб, натижани кутиб ўтиришни буюрардилар. Шундай қилиб, олтмиш тўрт кишининг ҳаммаси рақс имтиҳонидан ўтди.

Хазиначи бўлишни истаган 64 кишидан 63 таси жуда ёмон рақс этдилар, рақс этаркан қўллари билан чўнтакларини беркитиб турардилар. Подшоҳ ёнида ўтирган донишманд буларнинг рақсларини кўриб: «Ҳа, ярамас ўғрилар» деб қўярди.

Уларнинг ичидан биттаси, яъни 64-номзод жуда чаққонлик ва жуда эркинлик билан рақс этди. Тажриба тамом бўлгандан кейин подшоҳ бу чаққон ўйнаган одамни қучоқлаб табриклади. уни хазиначи этиб тайин қилганини билдирди: донишманд ҳам уни янги мансаб билан муборакбод этди. Ёмон ўйнаган 63 раққосни ўғирликда айблаб, жазо маҳкамасига ҳавола қилди.

Сабаби нима? Сабаби шу: кутиш хонаси ёнидаги иккинчи бир хонага— жуда кўп олтин, кумуш, лаъл, ёқут каби қимматли тошлар қўйилган эди. Кутиш хонасидан чақирилиб ўша хонада бироз кутишга буюрилган ҳар бир номзод чўнтакларини олтин ва қимматли тошлар билан тўлдириб оларди. Рақс вақтида ўғирлагани билиниб қолишидан қўрқиб. қўллари билан чўнтакларини босиб секин ўйнарди. Чаққон ўйнаган киши олтин. кумуш ва қимматли тошлардан биттасини ҳам олмаган пок. соф одам эди.

**Ш. ЗУННУН** тайёрлаган.

# НОЁБ ТОПИЛМАЛАР

Ғарбий Австралия штати университетининг олимлари ер юзида ҳаёт бундан 3,5 миллиард йил чамаси аввал ёки ҳозир илмий доираларда ҳисобланаётганидан 200 миллион йил барвақт пайдо бўлган демоқдалар.

«Сайентифик острэлиан» журналининг хабар беришича, улар ёши 3,5 миллиард йил деб белгиланган геологик қатламлардан олинган жинс намуналарини ўрганаётиб, уларда микроскопик тошга айланган ҳужайрали организмларни топдилер. Булар бактерия ёки кўкяшил денгиз кўкатлари бўлиши мумкин. Бу организмларнинг диаметри 4 микрон чамаси келади ва улар фақат кучли микроскоп орқали қарагандагина кўриниши мумкин.

• • •

Миср территориясида 180 минг йил аввал яшаган қадимги одам суяклари мамлакатнинг жанубида Асвондан сал наридаги Ком-омбо шаҳри районида топилди. Нил дарёсининг эски ўзанларини излаётган геологлар группаси шу қимматли археологик топилдиққа дуч келди. Суяклар дарё яқинидаги қояда ўйилган ғордан чиқди. Ухарнинг ёнида ўша даврда овда ўлдирилган ҳайвонларнинг суяклари ҳам ётарди.

(ТАСС).

# Шанба оқшоми

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

# ҚЎЛБОЛА „ЮЛДУЗ"ЛАР

Ҳурматли редакция! Биз космик кемалар кечаси, юлдузга ўхшаб кўринади, деб эшитгандик, уни қандай кузатсак бўлади, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**К. САЛИМОВ, Т. БОТИРОВ,**
**студентлар.**

Сунъий йўлдошларни осмонда оддий— «қуролланмаган» (телескоп, дурбин ёки бошқа оптик асбобларсиз) кўз билан ҳақиқатан ҳам кўриш мумкин. Сунъий йўлдошнинг ҳажми кичик бўлишига қарамай кўринишига сабаб, уни қуёш нурларини қайтариб «йилтиллаши» ҳи собигедир. Агар йўлдош Қуёш нурлари тушмайдиган соҳага — Ер соясига кириб қолса, у ҳолда уларни оптик асбоблар ёрдамида ҳам кўриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам сунъий йўлдошларни (айрим хусусий ёруғлик манбаларига эга бўлганларини эътиборга олмаганда) тунда юлдузлар ичидан ахтариш бефойда бўлиб, уларни фақат Қуёш ботгач, кечқурун ва қуёш чиқишидан олдин эрта тонгдагина, кўриш учун шароит туғилганда осмондан излаш керак.

Унча катта бўлмаган ер сунъий йўлдошлари осмонда кўзга илғамас равшанликдаги юлдуз (бундай юлдузлар, уларнинг равшанликларига кўра даражаланган шкалада олтинчи катталикка эга) кўринишида бўлади. Бироқ айрим йўлдошлар, кузатишга қулай бўлсин учун енгил, бироқ катта ҳажмда ясалади (АҚШнинг «ЭХО» типидаги йўлдошлари). Бундай йўлдошлар, осмоннинг энг ёруғ юлдузлари каби кўзга ташланади.

Сунъий йўлдошларнинг кечқурун ва эрта тонгдаги кўринниши даври, унинг ер сиртидан қандай баландда учишига боғлиқ. Баландлиги 200—300 километр атрофида бўлган йўлдошлар Ер атрофини бир ярим соат чамаси вақтда айланиб чиқади. Йўлдошни ер сиртида қанча майдонда бир вақтда кўринишини характерлаш учун, бир вақтда ёруғдошни, унинг ихтиёрий нуқтасидан кўриш мумкин бўлган доирасининг радиуси қабул қилинган. Бу доиранинг маркази, йўлдошнинг Ерга проекцияси билан мос келади. 200—300 километр баландликдаги йўлдошнинг кўриниш радиуси 1600 километрдан ортиқроқ бўлади.

Айтилганларни эътиборга олганда, 200—300 километр баландликдаги йўлдошларни ҳаво очиқ бўлганда атиги бир неча минут давомидагина кўриш мумкинлиги аниқланади. Йўлдошларни оддий кўз билан қўриш учун осмон тим қоронғу бўлиши ҳам зарур. Хусусан, Тошкент осмони кўтарилган чанг ва шаҳарнинг кучли ёритилиши ҳисобига тим қоронғу бўлолмайди, шунинг учун ҳам унча катта бўлмаган йўлдошларни кузатиб бўлмайди. Шаҳар ташқарисида эса бошқа гап, ҳавонинг софлиги ва ёритиш манбаларининг камлиги ҳисобига осмон тим қоронғу бўлиб, йўлдошларни кузатишга имкон беради. Йўлдошларни кузатиш пайтида уларнинг равшанликларининг даврий равишда ўзгаришини осон сезиш мумкин. Бунга сабаб, йўлдошларнинг ўз ўқи атрофида айланишларидир. Бундай айланиш туфайли ҳар бир йўлдошнинг Қуёшдан бизга нур қайтарадиган юзаси катта-кичик бўлиб ўзгариб туради ва натижада унинг кўринма равшанлиги ҳам ўзгаради.

Сунъий йўлдошларнинг ҳаракатларини ўрганиш, Ер шарининг аниқ формасига, бир жинсли бўлмаган қисмлари ва атмосфера зичлигига ҳамда осмон механикасига тегишли қимматли маълумотларни олишга имкон беради. Шунинг учун ҳам ўнлаб кузатиш станцияларида радио-тўлқинларда системали кузатиш ташкил қилинган.

**М. МАМАДАЗИМОВ,**
**физика-математика фанлари кандидати, астроном.**

Тарих солномасидан

# ҲАМКОРЛИККА САДОҚАТ

Тошкентда қишлоққа оталиқ ёрдами қачон бошланганини биласизми? Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг ёрқин рамзи бўлган бу оталиқ ёрдамини дастлаб қайси корхона ёки ташкилот бошлаб бергани оқшомхонларни қизиқтирса керак, албатта.

1923 йил. Ўша йилларда қишлоқларга ёрдам қўлини чўзиш ҳаракатига катта эътибор берила бошлаган кезлар эди.

Июнь ойида Тошкент шаҳри ҳам Ўрта Осиёда биринчи бўлиб қишлоққа оталиқ ёрдами бериш ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди.

1923 йилнинг июнида Тошкент трамвайи ишчилари эски Тошкентни оталиққа олдилар. Улар билан бир қаторда коммунистик университет бир неча фабрикалар Қорасув, Тўйтепа, Зангиота, Янгибозор қишлоқларига оталиқ ёрдами бера бошлашди.

Дастлабки кезларда ёқ йирик саноат корхоналарининг кўплаб коммунистлари шаҳардан қишлоқларга ёрдам уюштириш учун жўнаб кетдилар.


1925 йил бошларида Тошкент партия ячейкалари ҳузурида оталиқ комиссиялари ташкил этилди. Улар сони мунтазам ошиб борди. Бу комиссиялар фаолияти ранг-баранг эди. Коммунистлар жойларда хўжаликмаданий тадбирлар кўриш билан бирга камчиликларга қарши ҳам қатъий курашар эдилар.

Масалан, Биринчи Май устахонаси. Қизил шарқ устахонаси оталиқ комиссиялари Қорасув ва Қовунчи қишлоқларида қишлоқ Совети фаолиятига жуда катта ёрдам беришди. Улар ёрдамида саводсизликни тугатиш мактаблари, қизил чойхона, пионер отрядлари ташкил этилди.

Оталиқ комиссиялари қишлоқда айниқса маданий-оқартув ишларини кенг йўлга қўйишга актив ёрдам беришди. Масалан, фақат 1925 йилнинг биринчи ярмидагина оталиқдаги районларда 14 қизил чойхона, 6 қизил бурчак, 7 та кутубхонага эга бўлган клублар, 10 га яқин саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил қилинди. Бундан ташқари, ишчилар ўз маблағлари ҳисобига деҳқонлар учун трактор сотиб олдилар.

Ишчилар деҳқонлар турмушига янгича анъана ва урф-одатларни кенг сингдиришга интилдилар. Айниқса байрам кунларини ўтказишда қишлоқларга чиқиб лекция ва докладлар ташкил этиб спектаклар қўйишар кинофильмлар намойиш қилишар эди. Қишлоқлардан 200—300 деҳқон Тошкентга таклиф этилар, байрам тантаналарида қатнашардилар. Улар билан саноат корхоналари ишчи-хизматчилари ташкил этиладилар.

Ўрок ва Болға иттифоқи тобора мустаҳкамланиб бориши қишлоқларда ижтимоийсиёсий ва меҳнат активлигини янада кучайтиришга катта ёрдам берди. Бугунги кунда ҳам қишлоққа оталиқ ёрдами, яъни ҳамкорликка садоқатнинг ёрқин намуналарини яққол кўриб турибмиз.



Украина пойтахти марказида В. И. Ленин номли Марказий музейининг Киев филиали янги биноси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бино кеадрат усулида бўлиб, унинг барча қаватларида жойлашган хоналар думалоқ шаклда бунёд этилади. Бу эса музей экспозицияларини кўздан кечиришда томошабинларга қулайлик яратади.

СУРАТДА: музей макети.

ТАСС фотохроникаси.


# 20 майдаги „Футбол" кроссвордининг жавоблари

1. Фёдоров. 2. «Хоразм». 3. Озеров. 4. Гонтарь. 5. Гришин. 6. «Динамо». 7. «Амударё». 8. Тренер. 9. «Селтик». 10. Кипиани. 11. Ондруш. 12. Дублёр.

«Шанба оқшоми» саҳифасида босилаётган кроссворд ва чайнвордларга оқшомхонлар қизиқиш билан қарамоқдалар, улар бу ҳақда кўплаб хатлар йўллашмоқда. Оқшомхонлардан А. Раҳмедов, Т. Холиқова, З. Мирфаёзова, Н. Тўхтамишева, Д. Маскархонова. М. Аваэов, Ш. Наврўзова, А. Сафоев. А. Нишонов, Ш. Умарова Р. Йўлдошева, С. Аваэов, У. Пардаев, А. Мадаэов, Ў. Мирзаев, А. Ахранов, Б. Казаков, С. Мўйдинов, Э. Ҳасанов, А. Аюбов, М. Норхўжаева, У. Худойқулов, Х. Расулов, Н. Зиёдов, М. Раҳмонбердиева, Д. Исломова, А. Эшонхўжаева, Б. Шоикромов, М. Мажидова, А. Эргашева, Э. Муҳаммадиев. Д. Юнусхўжаева, А. Мирзаев, Э. Сариев, А. Норқулов, Б. Қўшоқов. Б. Тўхтасинов, Д. Расулева, Р. Содиқов, Н. Илҳомова, З. Раҳимова, А. Норматов, Р. Ваққосов, К. Акрамова, Х. Қосимов, З. Дадабоева, Н. Ҳакимов, Б. Қўзибеков. Н. Жилкибова, Р. Мунавварова, Т. Тўлаков, Э. Поёнов, О. Холбеков. А. Даминов, А. Асомова, У. Раҳимов. З Қурбоналиев А. Суюмов ва бошқа кўплаб ўртоқлар тўғри жавоб топиб юборишган. Редакция хат йўллаган ҳамма оқшомхонларга ташаккур изҳор қилади.

• *Дам олиш соатида*

# „БОТАНИКА" ЧАЙНКРОССВОРДИ



1. Дарахт. 2. Узум нави. 3. Тоғ ўсимлиги. 4. Ўсимлик гули чангланишига ёрдам берувчи ҳашарот. 5. Ўзбекистонда маданийлаштирилган ўсимлик. 6. Дуккакли экин, ёввойи нўхат. 7. Мевали дарахт. 8. Полиз экини. 9. Таомларга ишлатиладиган зираворлардан бири. 10. Сабзавот экини. 11. Дуккакли экин, 12. Чўл ва тоғ ён бағирларида ўсадиган, пиёз гуллар оиласига кирувчи ўсимлик. 13. Тоғда ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. 14. Олма нави. 15. Дуккаклилар оиласига кирувчи маданий ўсимлик. 16. Техника экини. 17. Ўсимликка озуқа берувчи қисм. 18. Доимий яшил бута дарахти. 19. Тоғ меваси. 20. Уруғидан ичимлик тайёрланадиган, тропик мамлакатларда ўсадиган доимий яшил дарахт. 21. Илдизидан турмушда нишолда тайёрлашда кўпиртирувчи модда сифатида фойдаланиладиган тоғ ўсимлиги. 22. Резавор ўсимлик. 23. Илк баҳор гули. 24. Дон. 25. Дуккакдошларга мансуб дарахт. 26. Хушбўй ўсимлик. 27. Боғаларда ўсувчи дарахт. 28. Ёпиқ гулли ўсимликларнинг генератив органи. 29. Ўзбекистонда етиштирилайтган суптропик мева. 30. Нок навларидан бири. 31. Шифобахш ўсимлик.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

**13 МАЙДАГИ «ГУЛБАҲОР» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

1. Кўклам 2. Момақалдироқ. 3. Қўзиқорин. 4. Наъматак. 5. Каклик. 6. Картошка. 7. Асалари. 8. Ин. 9. Нок. 10. Карам. 11. Мироб. 12. Бодом. 13. Март. 14. Ток. 15. Куртак. 16. Кактус. 17. Сумалак.

◆ ШИФОБАХШ ИЧИМЛИКЛАР

# ҚУЛУПНАЙ ВА ОЛЧА ШАРБАТИ

Яхши пишган қулупнайни эзиб сувини докадан ўтказиб, бир оз тиндириб қўясиз. сўнг шакар қўшиб суст оловга қўясиз. Шакар эригач. шарбатни солиб совутасиз.

Бунга бир килограмм қулупнай, 150 грамм шакар кетади.

• • •

Олчани чўп ва данагидан тозалаб. яхшилаб эзасиз, сўнг докадан ўтказиб шакар қўшасиз ва дарҳол истеъмолга узатасиз.

Бир литр олча сувига 200 грамм шакар етарли бўлади.

«ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

# „Черноморец" (Одесса)

Эртага «Пахтакор» ўз майдонида Одессанинг «Черноморец» командасини қабул қилади. Бу команда 1958 йилда ташкил қилинган. 1965 йилдан бошлаб узилишлар билан олий лигада қатнашиб келмоқда.

Ўтган ўн йил мобайнида «Черноморец» футболчилари олий лигада 326 учрашув ўтказишган. 98 учрашувда улар ғалабага эришганлар, 123 учрашувни бой беришган, 105 учрашувни эса дуранг натижа билан якунлашган. Тўплар нисбати — 309:407. Команда СССР биринчилиги мусобақаларида 1974 йилда энг яхши натижага эришган. Ўша йили одессалик футболчилар бронза медалини қўлга киритишган. Команда 1967 йил мавсумида энг омадсиз қатнашиб, 18-ўринни эгаллади.

Команда олий лигада қатнашган йилларда бир неча бор йирик ғалабага эришган. Жумладан. 1968 йилда «Заря» ва Кировободнинг «Динамо» командаларини 4:0. 1974 йилда Кишиневнинг «Нистру» командасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратган.

Команда СССР Кубоги учун 41 учрашув ўтказган. 18 марта ғалабага эришиб 17 учрашувни бой берган. Тўплар нисбати—51:51.

«Черноморец» 1966, 1968, 1974, 1976 (куз) йилларда «Адолатли ўйин учун» совринини қўлга киритган. 1974 йилда ва 1976 йилнинг кузида команда «Прогресс кубоги» ва «Ғалабага бўлган иродаси учун» совринлари топширилган.

1969 йилда команда ҳужумчиси М. Москаленко «Энг чиройли гол» совриии билан тақдирланган, ҳужумчи А. Шепель эса 1973 йилда «Комсомолец Таджикистана» газетасининг «Биринчи лигананинг энг яхши ҳужумчиси» совринини олишга муваффақ бўлган. Бу ҳужумчи мавсум давомида рақибларнинг дарвозасига 38 марта тўп киритган.

В. Зубков мамлакат биринчилигида ўз дарвозасига хос рекорд ўрнатган.

«Черноморец» командасининг уч ўйинчиси: В. Поркуян В. Лисенко ва В. Лешчуклар бир мартадан СССР терма командасида қатнашишган.

Команданинг катта тренери Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер Анатолий Фёдорович Зубрицкий.

«Черноморец» бу йилги мавсумни ғалаба билан бошлади. Биринчи турда у ўз майдонида ўтган йилги мамлакат чемпиони Киевнинг «Динамо» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида енгди.

Олий лигада «Пахтакор» бу команда билан ўн олти марта куч синашган. Учрашувларнинг саккизтаси дуранг натижа билан якунланган. Уч учрашув «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлган, беш учрашувда эса рақибларнинг ғалабага эришганлар. Тўплар нисбати— 14:17.

# Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**29 МАЙ — ДУШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. «Чин сўз», «Яшартирувчи олмалар». 10.25 «Люся». Бадиий фильм. 12.25 «Дўстлашинг, болалар». Пионерлар концерти. 12.55 Информацион программа. Кўрсатув тугагач — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси симфоник оркестри ижросида А. Бородиннинг 2-симфонияси. 15.30 «Злата Прага». Ҳужжатли фильм. 15.45 Информацион программа. Кўрсатув тугагач — Б. Сметана ва А. Дворжак асарларидан концерт. Москва Давлат симфоник оркестри ижро этади. 17.00 «Бугунги Чехословакия». Кинопрограмма. 17.35 Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилов чалади (фортепьяно). Программада А. Скрябин ва С. Рахманинов асарлари. 17.45 «Асл йигитлар».

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 19.30 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 20.00 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Пролог» Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Ёзувчи В. Каверин билан учрашув». Останкино концерт студиясида кеча. 24.00 Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 18.30 Халқаро масалалар бўйича телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 18.55 «Ўзбекистон хазинаси». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион театр. Б. Ибаров. «Гипнознинг қудрати». 20.20 «Қарши жамоли». Телевизион очерк. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва «Вақт». информацион программаси. 22.00 «Комплекс механизация — пахтачилик бош йўналиш». 22.15 «Чили узра тун». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа**

18.55 **Тошкент кўрсатади.** Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Менинг тақдирим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Кругозор». Ўқув кўрсатуви (рус.). 21.00 «Афсонавий кишилар». Телевизион ҳужжатли фильм.

**30 МАЙ СЕШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. «Чин сўз», «Яшартирувчи олмалар». 10.25 «Люся». Бадиий фильм. 12.25 «Дўстлашинг, болалар». Пионерлар концерти. 12.55 Информацион программа. Кўрсатув тугагач — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси симфоник оркестри ижросида А. Бородиннинг 2-симфонияси. 15.30 «Злата Прага». Ҳужжатли фильм. 15.45 Информацион программа. Кўрсатув тугагач — Б. Сметана ва А. Дворжак асарларидан концерт. Москва Давлат симфоник оркестри ижро этади. 17.00 «Бугунги Чехословакия». Кинопрограмма. 17.35 Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилов чалади (фортепьяно). Программада А. Скрябин ва С. Рахманинов асарлари. 17.45 «Асл йигитлар».

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 19.30 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 20.00 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Пролог» Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Ёзувчи В. Каверин билан учрашув». Останкино концерт студиясида кеча. 24.00 Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Бўғирсоқ». Болалар учун мультфильм. 11.10 Спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. Финал. «Ёшлик» спорт ареносидан репортаж (озиб олинган). 12.55 Москва. Информацион программа. Кўрсатув тугагач — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси симфоник оркестри ижросида А. Бородиннинг 2-симфонияси.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Шоирлар — болаларга». Ғафур Ғулом. 18.30 «Чорвачилик: тажриба ва муаммолар» (рус.). 18.45 «Фан» программаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шашмақом». Телевизион мусиқали фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 СССРда Болгария Маданияти кунлари. Санъат усталарининг концерти. Я. М. Свердлов номли концерт залидан трансляция пайтида озиб олинган. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Менинг тақдирим». Телевизион б а д и й й фильм. 2-серия (рус.). 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Реклама. 20.50 «Пойтахт области далаларида». 21.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Тўртинчи авлод». «Эртанги кун вазифаси». «Ажойиб фабрика».

**31 МАЙ — ЧОРШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.30 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Пролог» Бадиий фильм. 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.30 «Меҳнатинг-иқболинг». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.20 «А. С. Пушкин чизган расмлар». 17.20 «Объектив». 17.50 «М. Слитоцкий куйлайди».

18.00 «Горичлар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Дўмбоқ қоқингул». Мультфильм. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Спортлото» тираж. 19.30 О. Загрядник. «Бонги соат учун куй». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Музыкальная жизнь». Телевизион журнал. 23.20 «Гагра — Пицунда». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.45 Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Машенька ва айиқ». Мультфильм. 11.20 «Стершеклассник». программаси. 11.50 «Тог болалари». Телевизион фильм-концерт. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун кинофильм. 18.30 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Муножат». Телевизион фильм-концерт премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Июнь — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой». 22.30 «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали ёпилиши. Санъат саройида озиб кўрсатилади.

18.00 «Ўзбек цирки». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Қўшлар ўлка маршрутлари». 18.45 «Бахтли болалик». Болаларни қимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган кўрсатув. 19.15. «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Илҳом». Ижодкор ёшлар телевизион клуби. 20.20 «Олмалиқ шаҳри». Телевизион фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Тоза қалб узра». Мусиқали программа. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Москва «Қорақалпоқ шоири Бердақ туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Фадеев номли адабиётчилар Марказий уйидан озиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент область учун программа**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Сир очилди». Бадиий фильм. 20.20 Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Кузмич Адам ва бошқалар». Ҳужжатли фильм. 21.35 Абитуриентлар учун программа.

**2 ИЮНЬ — ЖУМА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.30 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 Тошлиси шаҳар болалар ҳавас-корлик коллективларининг концерти. 10.40 «Сендан ўзга эмас». Бадиий фильм. 15.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси «Қорақумдаги Нептун», «Минг-лаб учқунлар», «Цирк болалари». 16.20 «Шахмат мактаби». «Оқ рух». 16.50 «Москва ва москвaликлар». 17.20 «Жаҳон халқларининг ижоди».

17.50 В. С. Зорин. «Жануб дарвозаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Польша — ГФР терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 20.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Еш ижрочилар Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг финали. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Концертнинг давоми. 23.30 «Хайкал». Фильм-концерт премьераси. А. С. Пушкинга бағишланади. 00.20 Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Сени шарафлаймиз, шонли комсомол». 11.45 «Дўстим Колька». Бадиий фильм 13.00 «Ўқитувчи экрани». 13.30 Телевизион новеллалар театри. А. Макеев. «Худди эртакдагидек».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Туғилган кун». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — Совет Иттифоқи граждани». 18.45 «Идеология ва ҳаёт». Тележурнал. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Телевизион театр почтаси». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Биога мактуб йўлдабсиз». Музиқали программа. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Пилла-корларнинг меҳнат рапортлари». 22.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Насимий». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Даврон ва дўстлари». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Депутат ва ҳаёт». 21.05 «Надежда». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 Абитуриентлар учун. Физика.

**3 ИЮНЬ — ШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.30 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Бу-ратино кўргазмаси». 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.10 «Тонгги почта». Музиқали программа. 11.40 «Диққат — йўл!». Кўрсатувни СССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекцияси бошқармаси бўлимининг бошлиги Н. Д. Сорокин олиб борали. 12.10 «Музей ва кўргазма залари бўйлаб». Дрезден расмлар галереяси. «Германия, Испания, Франция живописи». 12.35 «Думка» Давлат хор капелласи куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади. 13.05 «Эртага — мелиораторлар куни». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Е. Алексеевский иштирок этади. 13.25 «Музиқали абонемент». И. С. Бахнинг камер ижоди. 14.20 «Спортлото» тиражи. 14.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 15.00 «Ўзимизнинг ўлка» (Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳақида). «Паҳлавонлар йўли» Ҳужжатли фильм. 16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Венгрия — Аргентина терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Олтин соч». Мультфильм. 19.05 «Хатларингиз асосида». Мелиораторлар кунига бағишланган музиқали программа. 19.50 «Лотин Америкаси — қитъа муаммолари». Кўрсатувда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Арисменди иштирок этади. 20.20 «Бола — болада». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — Бразилия терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади Танаффус пайтида — Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Қушлар ва ҳайвонлар ўз уйида». Болалар учун кинофильм. 11.10 «Ўзбекистонда спорт.» 11.40 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 12.20 «Театр афишаси». Бошқирд театрининг Тошкентдаги гастроли. 13.10 «Иншони қандай ёзиш керак». Ўқув кўрсатуви. 13.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». Жиззах ва Сирдарё областлари командалари учрашади. 14.40 «Замондас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Соҳрли сандиқ». Болалар учун мультфильм. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўсмирлар ижоди». 18.20 «Нафосат оламида». 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Заря» (Ворошиловград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.45 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Галла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Қўшиқдарда қиз қалби». Музиқали программа. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

**Тожикистон телевидениесининг программаси**

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун мультфильм. 18.00 «Гунчаҳон санъат». Болалар учун концерт. 18.25 «Кинокамера билан саёҳат». 19.35 «Новости» информацион программаси. 19.50 Москва «Лотин Америкаси — қитъа муаммолари». Кўрсатувда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Арисменди иштирок этади. 20.20 Ҳужжатли фильм. 20.40 «Ахбор» информацион программаси. 21.00 «Тарбияга комплекс ёндошиш» (тожик тилида). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Концерт. 22.45 Душанба кўрсатувларининг охири.

**4 ИЮНЬ — ЯКШАНБА**

**МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Саҳардаги сафланинг!». 9.55 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.00 Болалар учун. «Капитан Немо». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.45 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». Мелиораторлар кунига бағишланган кўрсатув. 14.00 «Музиқали киоск». 14.30 «Театр спектакли». И. А. Гончаров. «Оддий воқеа». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. 16.55 Халқаро конкурс лауреати А. Ворошило кўпалади. 17.05 «Халқаро панорама». 17.35 «Дирижёр санъати». Фильм-концерт. Е. Мравинский туғилган кунининг 75 йиллигига.

18.45 Мультфильмлар программаси. 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Кокилли мўъжиза». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинопанорама». 23.30 Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Довюрак чигиртка». Болалар учун мультфильм. 10.20 Бухоро район «Маданият» колхози «Гулхайри» бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 11.00 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». 11.40 «Бепоён Ватаним менинг». «Ровно шаҳри». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Педиатр маслаҳати». 13.10 «Кималак» программаси. 13.40 «Нурбарс керак». Бадиий фильм. 14.45 «Шахмат мактаби». 15.15 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Бим, Бам, Бом ва бўри». Болалар учун мультфильм. 17.55 Кичкинтойлар учун. «Бойчечак». 18.25 «Ўзбекистон ягона оилада». «Волгоград, гупрогида» (рус.). 18.55 «Бугун — мелиораторлар куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбекистон музика санъати намояндалари». Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Қориёқубов туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 «Биз — Андижон данмиз». Бадиий ҳаваскорлар коллективи ижро этади. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

**Киргизистон телевидениесининг программаси**

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Экран — болаларга». 18.10 «Жангчилар байроғлари». Телефильм. Киргиз тилида. 18.40 «Сайра қўмиз». 19.20 «Шийдем». Ҳажвий тележурнал. 19.50 Мактаб ва оилаларнинг республика кўриги-танловлари. Т. Акматалиев. 20.25 «Новинки» кино-клуби. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қайғули муҳаббат баҳори». Бадиий фильм (рус.). 23.40 Фрунзе кўрсатувларининг охири.


***РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА***

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли пардозлаш трести ҳузуридаги
158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди:** қурилиш сувоқчилари (ўқиш муддати — 1 йил), дурадгор-паркетчилар (1 йил), пардозловчи-мозаикачилар (2 йил), пардозловчи-плиткачилар (1 йил), қурилиш дурадгорлари (2 йил), қурилиш бўёқчилари (1—2 йил), сувоқчилар (1 йил), дурадгор — ойна кесувчи усталар (1 йил), пайвандчи-монтажчилар (1 йил).

Билим юртига 8—10-синф хажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртидаги ўқиш даври иш стажига ҳисобланади.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар прописка, 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

Область ва районлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади ва конкурссиз ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқиш — 1 сентябрда бошланади.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:** директор номига ариза, таржиман ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соглиги ҳақида справка, характеристика, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3х4 см, катталикдаги фотосурат.

**Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, «Халқлар дўстлиги» проспекти, Қибрай проезди, 54-уй (11-автобус, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «1-тугруҳхона», 4, 17, 19-трамвайларнинг «Қарши» бекатлари, метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ЗАВОДИ ҚОШИДА
**ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**
196-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**йигит ва қизларни қуйидаги касблар бўйича**

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**ярим ўтказгич асбобларини йиғувчи** (қизлар), **токарь-универсал (йигит-қизлар), фрезерчи** (йигитлар), **слесарь-асбобсоз** (йигитлар).

**Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.**

ЎҚИШ МУДДАТИ: **8-синфни битирганлар учун 1—2 йил; 10-синфни битирганлар учун 1 йил.**

8-синфни битирганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм ҳажмида стипендия билан, аълочилар оширилган стипендия билан таъминланади.

**Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.**

**Билим юртини аъло баҳода битирганлар ўқишни давом эттириш учун Москва ва Ленинград институтларига, Тошкент политехника институти ва завод қошидаги электромеханика техникумига йўлланма оладилар.**

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

**Завод ишчиларининг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 140—160 сўмни ташкил этади.**

**Билим юртига кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:** директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат ёки гувоҳнома (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, соглиги ҳақида справка (286-форма). ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 2 дона 4х4 см ва 2 дона 3х4 см. фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

**ЎҚИШ 1978 ИИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй (2, 25, 60-автобуслар; 1, 10, 11, 13, 16-троллейбуслар; 1, 2, 3, 4, 5, 18, 22, 25-трамвайларнинг «Дизельная» бекати).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
ускуналар ремонти бўйича слесарлар, фрезерловчилар, контролерлар, газ пайвандловчилар, бетончилар, разметкачилар, юк ташувчилар, қуювчилар, штамповкачилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
прессловчилар, слесарь — созловчилар, асбобсозлар, сантехниклар, газ-электр пайвандловчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 6-ТЕМИР — БЕТОН БУЮМЛАРИ ТАЖРИБА ЗАВОДИГА
**бетон қоришловчилар, электр пайвандловчилар, кранчилар, слесарлар, электромонтерлар.**

**ЕЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.**

ФРУНЗЕ РАЙОНИНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
**бичиқчилар, пойафзал бошлиғини тайёрловчилар, мойловчилар, пойафзал таглигига деталь урнатувчилар, пойафзалларни қолипдан чиқарувчилар, пойафзални қолипга тортувчилар, пардозловчилар, қолипловчилар, фрезерловчилар.**

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИГА
**ишлаб чиқариш биноларининг фаррошлари, ВОХР ходимлари, тунукасозлар, токарлар, электр газ пайвандловчилар, станоклар ремонти бўйича слесарлар, фрезерчилар, электромеханиклар, ердамчи ишчилар.**

ОКТЯБРЬ РАЙОНИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА
**лимонад, Тошкент суви, пиво қуйиш бўйича конвейерли автоматик линияларда ишлаш учун ишчилар, гайер маҳсулотларнинг контролерлари, гайёр маҳсулотлар ва шиша идишларнинг ораковкачилари ва тахловчилари, электр монтерлар, газ-электр пайвандловчилар, қоровуллар, юк ташувчилар, идишларни тарқатувчи тарачилар.**

**ЕЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.**

ФРУНЗЕ РАЙОНИНИНГ САВДО КОРХОНАЛАРИГА
**сотувчилар, ишчилар, фаррошлар, автокар ҳайдовчилари, кассир — контролерлар, қадоқловчилар, магазинларнинг мудирлари, бухгалтерлар, сотувчи шогирдлари.**

**Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва район пунктлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/V да **Концерт** (билетлар сотилган). 28/V да **Севилья сартароши** (12.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/V да **Ғариблар**, 28/V да **Келинлар кўзголони** (12.00). **Қиёмат қарз** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва давлат муз устида цирк артистларининг гастроллари. Хоккейчи айиқлар (16.30, 19.30).**

Тошкент Политехника институти томонидан. **Зуфаров Одилжон Мўминович** номига берилган 010541 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан **Тешабоев Шуҳратилла Ҳамидуллаевич** номига берилган 855302 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**26 МАЙ — ЯКШАНБА**

**ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ**

**ХИМИКЛАР КУНИ**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Заҳардаги сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Катта ва кичик Клаус». Телевизион бадиий фильм (ГДР). 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музиқали киоск». 14.30 «Театр спектакли». А. М. Горький. «Достигаев ва бошқалар». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 17.00 «Халқаро панорама». 17.30 «Бугун — химиклар куни». СССР Нефтни қайта ишлаш саноати министри В. С. Федоров сўзи.

17.45 «Хатларингиз асосида». Химиклар кунига бағишланган музиқали программа. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Бўғирсоқ ҳақида эртак». Мультфильм. 19.00 «Ихтисосаёҳатчилар клуби». 20.00 «Ленин комсомолининг 60 йиллигига». «Етти жасур». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Милан «Ла Скала» театрининг 200 йиллигига. Кўрсатувни музика шарҳловчиси О. Доброхотова олиб боради. 23.45 Янгиликлар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ҳамза номли Тошкент музика билим юрти ўқувчиларининг ҳисобот концерти. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида озиб олинган. 11.40 «Чегарачилар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. 20.10 «Бугун — химиклар куни». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ўй эшиги — оила фазилати». 21.10 «Биз «Юлдузда» рақсга тушамиз». Телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат оҳангларида». 22.15 «Оқ гунжар тароналари». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

**Киргизистон телевидениесининг программаси**

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Чегара юракка яқин». Телефильм. 18.05 «Маҳ». Мусиқали программа. 19.05 «Бугун — чегара қўшинлари 60 ёшда». «Парол — чегара, жавоб — мамлакат». Кўрсатув. 19.50 Чегара қўшинлари жангчилари учун концерт. 20.40 С. Алтимишев «Шаҳрим ҳақида сўз» (киргиз тилида). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Эдельвейслар гуллаган жойда» Бадиий фильм (рус.). 23.35 Фрунзе кўрсатувларининг охири.


4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

27 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗИНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-58-66; саноат 32-53-63; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва қишлоқ — 32-54-19; фан, маънавий ва олий ўқув юртлари — 32-53-19, адабиет ва санъат — 32-56-61; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; телефонлар бўлими — 38-81-42.

Р—07609. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр — Д—1319.